

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНИНГ  
ҚАРОРИ

**528** «Аввал хусусийлаштирилган корхоналар — ягона солиқ тўлови тўловчиларини умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтказиш тартиби тўғрисида»ги вақтинчалик низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил  
28 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1939-1*

*(2011 йил 7 январдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон, 232-модда) 7-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 22 декабрдаги ПҚ–1245-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўпла-

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й.*

ми, 2009 й., 52-сон, 560-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси **қарор қиладилар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2009 йил 10 мартдаги 30, 2009-7-сонли қарори (рўйхат рақами 1939, 2009 йил 14 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 16-сон, 204-модда) билан тасдиқланган «Аввал хусусийлаштирилган корхоналар — ягона солиқ тўлови тўловчиларини умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтказиш тартиби тўғрисида»ги вақтинчалик низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Молия вазири**

**Р. АЗИМОВ**

Тошкент ш.,  
2010 йил 24 декабрь,  
110-сон

**Давлат солиқ  
қўмитаси раиси**

**Б. ПАРПИЕВ**

Тошкент ш.,  
2010 йил 24 декабрь,  
2010-55-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Молия вазирлиги ва Давлат солиқ  
қўмитасининг 2010 йил 24 декабрдаги  
110, 2010-55-сон қарорига  
ИЛОВА

**«Аввал хусусийлаштирилган корхоналар — ягона солиқ тўлови тўловчиларини умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтказиш тартиби тўғрисида»ги вақтинчалик низомга киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 3-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«3. Реализация қилинган товарлар (ишлар, хизматлар) ҳажми сўнги икки чоракда объектив сабабларсиз, мол-мулк ва ер солигининг ҳисобланган ўн карра миқдоридан кам бўлган суммани ташкил этган аввал хусусийлаштирилган корхоналар — ягона солиқ тўловчилари, бундан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашни амалга оширувчи корхоналар мустасно, солиқ органининг хабарномасига асосан умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтказилади.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашни амалга оширувчи аввал хусусийлаштирилган корхоналар — ягона солиқ тўловчилари, агар уларнинг реализация қилинган товарлар (ишлар, хизматлар) ҳажми сўнгги тўрт чоракда мол-мулк ва ер солиғининг ҳисобланган ўн карра миқдоридан кам бўлган суммани ташкил этса, умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтказилади.».

2. 15-бандидаги «2011 йил 1 январгача» деган сўзлар «2012 йил 1 январгача» деган сўзлар билан алмаштирилсин.